

6-1-2019

## The role of stock market trading systems in world economy and financial globalization

F. Mukhamedov

*Tashkent Financial institute, pmti@tfi.uz*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

---

### Recommended Citation

Mukhamedov, F. (2019) "The role of stock market trading systems in world economy and financial globalization," *International Finance and Accounting*: Vol. 2019 : Iss. 3 , Article 16.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2019/iss3/16>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

## **The role of stock market trading systems in world economy and financial globalization**

This article is devoted to explaining the role and place of world stock market trading systems in the world economy and in the financial globalization. This article analyzes the indicators of the securities market based on the data of the World Federation of Stock Exchanges.

**Key words:** securities market, stock market, the World Federation of Stock Exchanges, the world securities market trading systems, capitalization, capitalization to GDP, investment flows, stock exchanges, indexes.

The role of stock markets become crucial in the business environment and functioning of the economy. Stock markets are one of the most effective ways to raise money to expand the company and its capital.

In recent years, securities market trading systems have been steadily developing as an integral component of global financial globalization. Securities market trading systems are emerging as a mechanism to attract investment, to transform the savings into investment and to provide capital flows to develop the global economy. The movement of major trading turnover and portfolio investment in the securities market goes through stock exchanges.

Nowadays we cannot imagine an economy system without exchange markets, stock markets and other financial instruments, which play a role of vein for cash flow. In addition, they these markets create a possibility for individuals to invest their money in companies through whole world. Therefore, stock markets connected and widened cash flow all over the world.

A Stock Exchange is a facility where people can buy or sell stocks, bonds, and securities through brokers and traders. Most often the traditional Exchange floor is where the selling and buying take place. However, modern trading is now also done through electronic networks for its speed and lesser cost. This facility gave a push for the globalization of stock markets due to participants of market could connect each other from any part of world. Buyers and sellers are called stock investors who may profit or lose capital depending on whether there is a bull or bear market, respectively. Stock Exchanges are usually preferred by investors for transparency.

The stock exchanges in developed countries, as well as those exchanges in developing countries, serve as barometers of where the national economy is likely headed. Moreover, the largest stock exchanges play an important part in the world economy. The stock exchange is a source of funding for national and international projects that are needed for the economic development of many developing countries. In developing countries, the stock exchanges are also in the development stages but

the stock exchanges in the developed countries are mature and are the major supporters of the country's economy. Financial market growth equals higher standards of living as well as create more jobs for the country's population.

Expanding size of stock markets created the necessity for a global organization to promote, connect, and regulate stock markets all over the world. For this reason World Federation of Stock Exchanges organization was created in 1961, which represents about 250 market infrastructure providers.

The World Federation of Stock Exchanges, more commonly known as the World Federation of Exchanges, is an international trade group that supports the interests of regulated securities exchange around the world, and promotes widespread access to financial markets and the safety and soundness of the global financial system ([https://www.investopedia.com/terms/w/world\\_federation\\_of\\_exchanges.asp](https://www.investopedia.com/terms/w/world_federation_of_exchanges.asp)).

The integration of local financial markets to international financial systems through worldwide transactions, crossing the borders of countries, accelerating the speed of stock markets towards globalization. This phenomenon may have both advantages and disadvantages. It can be blessing and enhance for national economy, or may increase inflation or price volatility and trading instability. Because of connection of financial markets, crisis or economic instability in one country or region may move to other countries.

Even if we have witnessed financial crises in the last two decades and one global financial crisis the features of capitalization and turn over of global financial markets is steadily growing with a slight fluctuation which is analyzed below.

*(Full article is available in Uzbek)*

**Мухамедов Фарход Турсунбаевич,**  
ТМИ, и.ф.н., доцент  
[pmti@tfi.uz](mailto:pmti@tfi.uz), тел: 90 1872505

### **Қимматли қоғозлар бозори савдо тизимларининг жаҳон иқтисодиёти ва молиявий глобаллашувдаги роли**

Ушбу мақола жаҳон қимматли қоғозлар бозори савдо тизимларининг жаҳон иқтисодиёти ва молиявий глобаллашувдаги роли ва тутган ўрнини очиқ беришга бағишланган. Мазкур мақолада Жаҳон фонд биржалари федерацияси маълумотлари асосида қимматли қоғозлар бозори савдо тизимларига оид кўрсаткичлар таҳлили амалга оширилган.

**Калит сўзлар:** қимматли қоғозлар бозори, Жаҳон фонд биржалари федерацияси, жаҳон қимматли қоғозлар бозори савдо тизимлари, капитализация, капитализациянинг ЯИМга нисбати, инвестициялар оқими, фонд биржаси, индекслар.

### **Роль торговых систем рынка ценных бумаг в мировой экономике и финансовой глобализации**

Данная статья посвящена основанию роли и значение торговых систем мирового рынка ценных бумаг в мировой экономике и в финансовой глобализации. В данной статье анализируются показатели рынка ценных бумаг на основе данных Всемирной федерации фондовых бирж.

**Ключевые слова:** рынок ценных бумаг, фондовый рынок, Всемирная федерация фондовых бирж, торговые системы мирового рынка ценных бумаг, капитализация, капитализация к ВВП, инвестиционные потоки, фондовые биржи, индексы.

### **Кириш**

Сўнгги йилларда қимматли қоғозлар бозори савдо тизимлари бир-бирига узвий боғлиқ равишда молиявий глобаллашувнинг ажралмас таркибий қисми сифатида мунтазам ривожланиб бормоқда.

Қимматли қоғозлар бозори савдо тизимлари глобал миқёсда иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида инвестицияларни жалб қилувчи, жамғармаларни инвестицияларга трансформациясини таъминловчи ва капитал ҳаракатини таъминловчи механизм сифатида намоён бўлмоқда. Қимматли қоғозлар бозоридаги асосий савдо айланмалари ва портфель инвестициялар ҳаракати фонд биржалари орқали ўтади.

Юқорида келтирилган фикр-мулоҳазаларни асослаш мақсадида жаҳондаги асосий фонд биржаларининг ривожланиши тенденцияларини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. Фонд биржалардаги ривожланиш тенденциялари

таҳлили фонд бозорларининг жаҳон иқтисодиётдаги ва молиявий глобаллашув жараёнлари ривождаги роли ва тутган ўрнига миқдорий жиҳатдан баҳо бериш имкониятини яратади ҳамда таҳлил натижалари Ўзбекистон учун фойдали бўлган бир қатор муҳим хулосалар чиқаришга имкон беради.

### **Адабиётлар таҳлили**

Шу давргача амалга оширилган назарий ва эмпирик тадқиқотлар [1,2,3,4] асосида дастлабки муҳим хулосаларни келтириш мумкин: “П.Самуэлсоннинг акселератор тамойилига кўра<sup>1</sup>, иқтисодий ўсиш ва инвестициялар ўзаро узвий боғлиқ”, “Фонд бозорининг ривожланиш суръатлари ва иқтисодий ўсишнинг интенсивлиги даврлари синхрондир”, “Қимматли қоғозлар бозори савдо тизимлари орқали жалб қилинган инвестициялар иқтисодий ўсиш суръатларини оширишга ва инфляция даражасини пасайишига ёрдам беради”, “Иқтисодиётда монетизация даражаси 55 фоиздан ортиқ бўлгандагина ривожланаётган мамлакатлар фонд бозори барқарор ривожланишга, уларда қулай инвестиция муҳити ҳосил бўлишига, инвестицияларни жалб қилишга, инфляцияни пасайишига эришилади”. Мазкур хулосалар инвестициялар ҳажмининг ўсиши ва қимматли қоғозлар бозори савдо тизимларининг ривожланиш даражасини ўзаро боғлиқлигидан далолат беради.

Хорижий иқтисодчи олимлар томонидан мазкур тадқиқот мавзуси доирасида қуйидаги ишлар амалга оширилганлигини кўришимиз мумкин. Масалан, қимматли қоғозлар бозори фаолиятига таъсир этувчи омилларни Жанубий Осиё мамлакатлари мисолида Aurangzeb (2012) томонидан ўрганилган бўлиб, ушбу тадқиқот ишида Жанубий Осиёда биржа бозори фаолиятига таъсир қилувчи омиллар аниқланган. Тадқиқотда ишлатилган маълумотлар 1997-2010 йилларда Жанубий Осиё мамлакатлари, жумладан, Покистон, Ҳиндистон ва Шри-Ланка мисолида тадқиқ қилинган. Регрес таҳлил натижалари шуни кўрсатмоқдаки, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва валюта алмашинув курслари Жанубий Осиё мамлакатлари фонд бозори фаолиятига ижобий таъсир кўрсатмоқда; фоиз ставкаси Жанубий Осиёда биржа бозорининг фаолиятига салбий ва таъсири юқорилигини кўрсатмоқда. Шунингдек, инфляция Жанубий Осиёда биржа фаолиятига салбий таъсири борлиги, аммо таъсири юқори эмаслиги аниқланган. Қимматли қоғозлар бозорининг тўлиқ фойда олиши ва халқаро бозорларни қўллаб-қувватлаш учун, фоиз ставкалари ва инфляция даражасини қатъий назорат қилиш ва қийматини камайтиришга ҳаракат қилиш учун яхши бошқариладиган макроиқтисодий сиёсат юритиш зарурлиги қайд этилган. Шунингдек, хорижий инвесторларга қўшимча имтиёзлар берилиши тавсия этилган, чунки тадқиқот ишида хорижий сармоядорларнинг ушбу минтақага эътибори кучли эканлиги аниқланган[5].

Ризван Муштақ (2011) томонидан қимматли қоғозлар бозори ўзгарувчанлигини макроиқтисодий кўрсаткичларга таъсирини Покистон мисолида тадқиқот олиб борилган, мазкур тадқиқотнинг эмпирик таҳлилларни

---

<sup>1</sup>Ушбу тамойил қуйидагича ифодаланади: “реал ЯИМнинг ўсиши реал инвестицияларни ортишига олиб келади, ўз навбатида, реал инвестицияларнинг кўтарилиши унга жавобан ЯИМни ўсишига олиб келади”.

амалга оширишда EGARCH эконометрик модели қўлланилган. Тадқиқотнинг эмпирик таҳлил натижаларига мувофиқ қимматли қоғозлар бозори билан истеъмол нархлари индекси ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўртасида ижобий муносабатлар мавжудлиги аниқланган. Шу билан бирга, тўғридан-тўғри инвестициялар ва истеъмол нархлар индекси орасидаги акциялар баҳоси билан икки томонлама муносабатлар мавжудлиги аниқланганлиги кўрсатиб ўтилган. Бироқ, истеъмол нархлари индекси акциялар баҳоси ўртасидаги муносабатлар аниқланмаган. Ушбу тадқиқотнинг ҳулосаларига мувофиқ, Покистон фонд бозорининг АҚШ ва дунёнинг бошқа ривожланган давлатларига жуда паст даражада таъсир кўрсатиши қайд этилган[6].

### **Таҳлил ва натижалар**


Юқорида келтирилган фикрларни асослаш учун Жаҳон фонд биржалари федерациясининг (ЖФБФ, инглизчаWFE)<sup>2</sup>маълумотлари асосида тегишли таҳлилларни амалга ошириш мумкин. Жаҳон фонд биржалари федерациясининг расмий маълумотлари асосида ҚҚСТларининг жаҳон иқтисодиётидаги аҳамияти жуда сезиларли даражада ўсганини кўриш мумкин. Буни қуйидаги кўрсаткичлар орқали таҳлил қиламиз.

Хусусан, 2018 йилда жаҳон ҚҚСТларининг умумий ҳажми (акциялар – 97,3 трлн. доллар, облигациялар–13,8 трлн. доллар) – 111,1 трлн. АҚШ долларни ташкил қилди, бу жаҳон ЯИМ умумий ҳажмидан 26,3трлн. доллар каттадир[7,9]. Деривативлар жаҳон бозори савдо тизимининг ҳажми эса 2018 йилда 30,1млрд. АҚШ долларига тенг контрактлар (шундан 13,2 млрд. доллар опционлар ва 16,9 млрд. фьючерслар)дан иборат бўлди[8].

Қуйида жаҳон фонд биржалар федерацияси аъзоларининг йиллик капитализацияси ҳажми динамикасини таҳлил қиламиз.

---

<sup>2</sup>WFE (WFE-World Federation of Exchanges) ўз аъзоларини ҳудудлар бўйича қуйидагича тақсимлаган: Америка худуди (AMERICAS); Осиё - Тинч океани худуди (ASIA – PACIFIC); Европа –Африка- Ўрта Шарқ худуди (EUROPE - AFRICA - MIDDLE EAST). Ушбу ҳудудлар ҳам тадқиқот объекти сифатида ўрганилган.



### 1.1- расм. Жаҳон фонд биржалар федерацияси аъзоларининг умумий капитализацияси ҳажми, млрд. АҚШ долл.[7]

1.1-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, Жаҳон фонд биржалари федерацияси аъзоларининг йиллик капитализацияси ҳажми 2010-2018 йиллар давомида 54954 млрд. доллардан 74432 млрд. долларгача ошиб борган. 2011 йилда капитализация ҳажми 54954 млрд. доллардан 47199 млрд. долларга тушган бўлсада, кейинги олти йилда барқарор ўсиш кузатилган. Мазкур йиллардаги энг юқори кўрсаткич 2017 йилда 87161 млрд. долларни ташкил этган.

Юқорида жаҳон капитализацияси умумий ҳажмининг динамикаси таҳлили амалга оширилган бўлса, қуйида мазкур кўрсаткич бўйича ТОП-10 мамлакатлар қимматли қоғозлар бозори капитализацияси ўзгаришларини кўришимиз мумкин.

### 1.1- жадвал

#### Қимматли қоғозлар бозори капитализацияси юқори бўлган жаҳондаги ТОП-10 давлатлар, млрд. долларда[9]

№	Давлатлар	Йиллар								
		2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018
1	АҚШ	17283	15640	18668	24034	26330	25067	27352	32120	30436
2	Хитой	4027	3412	3697	3949	6004	8188	7320	8711	6324
3	Япония	3827	3325	3478	4543	4377	4894	4955	6222	5296
4	Гонконг	2711	2258	2831	3100	3233	3184	3193	4350	3819
5	Ҳиндистон	1631	1007	1263	1138	1558	1516	1566	2331	2083
6	Канада	2171	1912	2059	2113	2095	1593	1993	2367	1937
7	Германия	1429	1184	1486	1936	1738	1715	1716	2262	1755
8	Швейцария	1229	1089	1233	1540	1495	1519	1403	1686	1441
9	Корея	1091	996	1179	1234	1212	1231	1254	1771	1413
10	Австралия	1454	1198	1386	1365	1288	1187	1268	1508	1262



Юқоридаги 1.1-жадвал маълумотларидан қимматли қоғозлар капитализация юқори бўлган давлатлар учлигини АҚШ, Хитой ва Япония ташкил этаётганлиги ва мазкур учта давлат жаҳон иқтисодиётида Ялпи ички маҳсулот ҳажми бўйича ҳам етакчи эканлиги таъкидлаб ўтишимиз мумкин. Аввалги ўн йилликларда қимматли қоғозлар бозори капитализацияси ҳажми бўйича АҚШ, Япония ва асосан Европа мамлакатлари кучли ўнликка киришган бўлса, ҳозирда Хитой, Гонконг, Хиндистон ва Корея каби Осиё қитаъси давлатлари кучли ўнликдан мустаҳкам ўрин олганлигини кўришимиз мумкин. Бу эса сўнгги ўн йилликда Осиё давлатлари қимматли қоғозлар бозори савдо тизимлари жозибadorлиги ошиб, инвестициялар оқимини жалб қила бошлаганини кўриш мумкин. 1.1-жадвал маълумотларига кўра 2018 йилда АҚШ қимматли қоғозлар бозори капитализацияси ҳажми бўйича 30436 млрд. доллар кўрсаткич билан мутлақ етакчиликни қўлга олган ва жаҳон қимматли қоғозлар бозори капитализацияси ҳажмининг 40,8 фоизини ташкил этган. Бу ҳолат АҚШни жаҳон молия бозорида рақобатдан ҳоли эканлигини кўрсатиб турибди. Бу устунлик АҚШга жаҳон молия бозоридаги капиталларнинг аксарияти АҚШда концентрация бўлганлиги сабабли тегишли молиявий инструментлар орқали капиталлар ҳаракатини бошқариш ва жаҳондаги мамлакатлар иқтисодиётига ўзининг кенг таъсирини ўтказиш имкониятини беради.

Юқорида келтирилган таҳللارни йирик фонд биржалари индекслари ҳаракатида давом эттирамиз (1.2-жадвал).

## 1.2- жадвал

### Жаҳондаги йирик қимматли қоғозлар бозори савдо тизимлари индексларининг динамикаси [10,11]

Индекслар	Йиллар								
	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018
DJ (Ind.Ave)	11577	12217	13104	16576	17823	17425	19762	24719	23327
Nikkey-225	10228	8455	10395	16291	17450	19033	19114	22764	20014
DAX-30	6914	5898	7612	9552	9805	10743	11481	12917	10558
FTSE-100	5899	5572	5897	6749	6556	6242	7142	7687	6728
CAC-40	3804	3159	3641	4295	4272	4637	4862	5312	4730
Shanghaicomp.	2808	2199	2269	2115	3234	3539	3103	3307	2827
Hangsengcomp.	23035	18434	22656	23306	23605	21514	22000	29919	25845
Nasdaqcomp.	2652	2605	3019	4176	4736	5007	5383	6903	6635

Юқоридаги 1.2-жадвал маълумотларидан ривожланган мамлакатларнинг фонд бозори индекслари ҳаракати ҳам деярли ўзаро синхрон кечганлигини, бундай ҳолат ривожланган фонд биржаларининг ўзаро боғлиқлигини, халқаро даражада интеграллашганини, молиявий глобаллашувнинг асосий шаклларида бири сифатида шаклланганлигини англатади.



Қимматли қоғозлар бозорининг иқтисодиётдаги роли ва тутган ўрнини белгилайдиган муҳим кўрсаткич мамлакат қимматли қоғозлар бозори савдо тизимлари капитализацияси (КАП) даражасининг ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)га нисбати ҳисобланади (1.3-жадвал). Буни қуйидаги жадвал маълумотлари орқали таҳлил қилишимиз мумкин.

### 1.3- жадвал

#### Қимматли қоғозлар бозорисавдо тизимлари капитализациясининг мамлакат ЯИМ даги улуши (ТОП-10) (КАП / ЯИМ), %[9]


№	Биржа номи	Йиллар							
		2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017
1	Гонконг	1185,9	908,6	1078,3	1124,7	1109,3	1029,4	995,1	1274,1
2	ЖАР	246,4	189,5	229,0	257,1	266,4	231,8	321,7	352,8
3	Швейцария	210,6	155,7	184,6	223,8	210,9	223,5	209,4	248,4
4	Сингапур	273,9	216,8	263,2	244,5	241,6	210,4	206,7	243,0
5	АҚШ	115,3	100,6	115,3	143,2	150,3	137,6	146,2	164,8
6	Малайзия	160,3	132,8	148,4	154,8	135,8	129,1	121,2	144,8
7	Канада	134,6	106,9	112,9	114,7	116,5	102,6	130,6	143,7
8	Нидерландия	78,1	65,8	77,6	93,3	88,3	95,2	102,8	132,5
9	Япония	67,2	54,0	56,1	88,1	90,3	111,4	100,1	127,7
10	Таиланд	81,4	72,4	98,0	84,3	105,7	86,9	105,1	120,5

Юқоридаги 1.3-жадвал маълумотларидан қимматли қоғозлар бозори савдо тизимлари капитализациясининг ҳажми шу мамлакатлар ЯИМдан бир неча баробар катта эканлигини кўрсатмоқда. КАП/ЯИМ кўрсаткичи бўйича энг юқори учликни Гонконг 1274,1 фоиз, ЖАР 352,8 фоиз ва мос равишда Швейцария 248,4 фоиз билан эгаллаб турибди.<sup>3</sup>

Мазкур кўрсаткич таҳлилидан кучли ўнликка Осиё қитъасидан Сингапур, Малайзия, Япония ва Таиланд каби мамлакатлар кирганлигини, бу ҳолат сўнгги ўн йилликда капиталлар ҳаракати, инвестициялароқими бўйича Европа мамлакатлари билан Осиё мамлакатлари ҳам рақобатлаша бошлаганини кўрсатади.

Мазкур фикр тасдиғини Жаҳон фонд биржалари федерацияси ҳудудларида ўтказилган қимматли қоғозлар савдолари орқали ҳам кўриш мумкин (1.2-расм).

<sup>3</sup>Бунда 2018 йил якуни бўйича КАП/ЯИМ нисбати кўрсаткичи Гонконг 1274,1% ва АҚШ 164,8% ни ташкил этганлиги Гонконгнинг ҚҚБ савдо айланмаси ёки капитализацияси АҚШдагидан катта эканлигини англатмайди. Фақат Гонконг ҚҚБ капитализацияси Гонконг ЯИМ дан бирнечабаробаркатта эканлигини назарда тутилган.



**1.2- расм. Жаҳон фонд биржалар федерацияси ҳудудларида ўтказилган қимматли қоғозлар савдоси [7]**

Юқоридаги 1.2-расм маълумотларидан 2011-2018 йилларда жаҳон фонд биржалари федерацияси ҳудудларида ўтказилган қимматли қоғозлар савдоларида асосан Осиё-Тинч океани ҳудуди етакчилик қилганлигини кўришимиз мумкин. Кейинги ўринларда мос равишда Америка ва Европа-Африка-Ўрта Шарқ ҳудудларида амалга оширилган қимматли қоғозлар савдоси эгаллаган. Мазкур йиллардаги энг юқори кўрсаткич 2015 йилда Осиё-Тинч океани ҳудудида қайд этилган ва 15510 тани ташкил этган бўлса, энг паст кўрсаткич 2012 йилда Европа-Африка-Ўрта Шарқ ҳудудида 961 тани ташкил этган.

### **Хулоса ва таклифлар**

Юқорида олинган таҳлилий натижалар асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин.

**Биринчидан**, қимматли қоғозлар бозори савдо тизимлари жаҳон иқтисодиёти ва молиявий глобаллашувда роли ва тутган ўрни жуда салмоқли. Амалга оширилган таҳлиллар натижалари юқорида келтирилган фикр ва хулосаларни тўлиқ тасдиқлайди. Мазкур савдо тизимлари миллий ҳамда глобал иқтисодиёт билан узвий боғлиқда фаолият кўрсатмоқда.

**Иккинчидан**, АҚШ қимматли қоғозлар бозори капитализацияси ҳажми бўйича жаҳон қимматли қоғозлар бозори капитализацияси ҳажмининг 40,8 фоизини ташкил этаётганлиги АҚШни жаҳон молия бозорида рақобатдан ҳоли эканлигини, жаҳон молия бозоридаги капиталларнинг аксарияти АҚШда концентрация бўлганлиги сабабли тегишли молиявий инструментлар орқали капиталлар ҳаракатини бошқариш ва жаҳондаги мамлакатлар иқтисодиётига ўзининг кенг таъсирини ўтказиш имкониятини берганлигини таъкидлашимиз мумкин.

**Учинчидан**, аввалги ўн йилликларда қимматли қоғозлар бозори капитализацияси ҳажми ва ЯИМдаги улуши бўйича АҚШ, Япония ва асосан Европа мамлакатлари кучли ўнликка киришган бўлса, ҳозирда капитализация ҳажми бўйича Хитой, Гонконг, Хиндистон ва Корея каби, капитализациянинг ЯИМдаги улуши бўйича Сингапур, Малайзия, Япония ва Таиланд каби Осиё қитаъси давлатлари кучли ўнликдан мустаҳкам ўрин олганлигини кўришимиз мумкин. Бу эса сўнгги ўн йилликда Осиё давлатлари қимматли қоғозлар бозори савдо тизимлари жозибдорлиги ошиб, инвестициялар оқимини жалб қила бошлаганини ва Европа мамлакатлари билан Осиё мамлакатлари ҳам рақобатлаша бошлаганини кўрсатади.

**Тўртинчидан**, молиявий глобаллашув шароитида қимматли қоғозлар бозори савдо тизимларининг ўзаро боғлиқлиги жаҳон иқтисодиётида кечаётган тенденцияларни ўзида акс эттириши билан характерланади. Алоҳида олинган бир мамлакат қимматли қоғозлар бозори савдо тизимидаги ўзгаришлар бевосита унга юқори даражада интеграциялашган бошқа мамлакат савдо тизимидаги ўзгаришларга олиб келади. Фонд бозорлари жамғармаларни инвестицияларга трансформация қилиш нуқтаи назаридан мамлакат иқтисодиётини ривожланишида муҳим роль ўйнайди.

**Бешинчидан**, халқаро қимматли қоғозлар савдо тизимлари жаҳон иқтисодиётини ривожлантириш мақсадида инвестицияларни жалб қилувчи ва глобал миқёсда капиталларнинг эркин оқимини таъминловчи асосий механизмлардан биридир. Шу билан бирга, улар турли омилларга таъсирчанлиги, нобарқарорлиги, юқори рисклилиги ва инвестициялар учун курашнинг кучли рақобат майдонлиги билан тавсифланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Kul B. Luintel, Mosahid Khan, Philip Arestis, KonstantinosTheodoridis. Financialstructureandeconomicgrowth.//JournalofDevelopmentEconomics, 28 November 2007;

2. Дворецкая А.Е. Ресурсы рынка капитала как источник финансирования реального сектора экономики//Вопросы экономики, М., -№11, 2007.-С.93-103;

3. Навой А.В. Структурный анализ международного движения капитала//Деньги и кредит, М., -№1, 2007.-С.39-48;

4. Чепель С.В., Фаттахова Ж.А. Ключевые элементы эффективной инвестиционной политики в развивающихся странах: возможные ориентиры для Узбекистана. -Т.: ЦЭИ, 2007.-48 с. ([www.cer.uz](http://www.cer.uz));

5. Aurangzeb (2012). Factors Affecting Performance of Stock Market: Evidence from South Asian Countries. International Journal of Academic Research in Business and Social Sciences September 2012, Vol. 2, No. 9 ISSN: 2222-6990

6. Rizwan Mushtaq (2011). The Relationship between Stock Market Volatility and Macroeconomic Volatility: Evidence from Pakistan. Article in SSRN Electronic Journal. DOI:10.2139/ssrn.1888073

7. Жаҳон фонд биржалар федерациясининг йиллик ҳисоботлари ([www.world-exchanges.org](http://www.world-exchanges.org) сайти маълумотлари)

8. WFE IOMA 2018 Derivatives Report маълумотлари.

9. [www.knoema.com](http://www.knoema.com) сайтнинг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

10. [www.macrotrends.net](http://www.macrotrends.net) сайтнинг маълумотлари асосида муаллиф томонидан жамланган. Индексларнинг йил якунига ҳолати олинган.

11. [www.statista.com](http://www.statista.com) сайтнинг маълумотлари асосида муаллиф томонидан жамланган. Индексларнинг йил якунига ҳолати олинган.